O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENT PALASA INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
2 август
ЧОРШАНБА
№ 60
(11.863)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг 15 йиллигига

1. ҲАР ЖАБҲАДА ЎЗГАРИШ

Мустақиллик берган имкониятлар, шонли Истиқлол неъматларининг нечоғли ҳаётбахш эканлигини тўла тасаввур этиш учун фақат номдор шаҳар ё марказлар эмас, балки ҳурлик йилларидагина бўй-бастини ростлаб, файз-тароват очиб бораётган чекка ҳудудлардаги бугунги ўзгариш ва янгиланишлар билан бир кур танишиш кифоядир. Бунга вилоятимизнинг нисбатан олис гўшаларидан ҳисобланган Бўка туманининг бугунги қиёфаси, меҳнатсевар, ҳалол ва танти бўкаликлар ҳаёти, турмуш тарзи, борингки, онгу шууридаги юксалишлар мисолида яна бир карра амин бўлгандекмиз...

Бўка тумани:
ИШЛАГАН ҚАДР ТОПАЁТГАН ЗАМИН

Бўка — ҳудудий жиҳатдан вилоятимизнинг йирик туманларидан ҳисобланади. Унинг ҳудуди 62237 гектар. Мавжуд 93 та аҳоли пунктларида 105 мингга яқин киши истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, шунингдек, халқ хўжалиги ҳамда ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётир.

Маълумки, вилоятнинг қишлоқ хўжалик тармоғида туманнинг алоҳида мавқеи бор. Бўкалик деҳқонлар ҳар йили давлат эҳтиёжлари учун қарийб 40 минг тонна пахта хом ашёси етказиб берадилар. Туман ғаллакорлари эл-юрт хирмонига 30 минг тонна атрофида сара дон тўкадилар. Бугун ширкат ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли қарамоғидаги қорамоллар сони 38 мингдан ошди. Бу маҳаллий аҳолининг гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлмоқда.

Аммо, асосий гап бунда эмас. Кейинги йиллар қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар туман деҳқонлари турмуш тарзида тўла ўз аксини топиб, аграр тармоқ самарадорлиги сезиларли даражада ошиб бораётгани, ҳудудда ишнинг кўзини биладиган, ер билан «тиллаша» оладиган янги заминдорлар, истиқболли фермерлар қатлами шаклланаётгани қувонарлидир. Хусусан, ўтган йил сурункасига зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 9 та қишлоқ хўжалик кооперативлари тарқатилиб, улар заминида 525 та мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилди. Фақат бугина эмас. Эндиликда чинакам ер эгалари учун хизмат кўрсатувчи, уларнинг оғирини енгил қилувчи ўнлаб инфратузилма объектлари ташкил этилиб, ишга туширилди.

Туманда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, аниқ мақсад ва вазифани кўзловчи ислоҳотларнинг яна бир муҳим қирраси борки, бу туман ҳудудини ободонлаштириш, кўркам, замонавий масканга айлантириш, қурилиш, коммуникация тармоқларини жадал ривожланишида намоён бўлмоқда. Чунончи, туман аҳолисини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, алоқа воситалари тизимини кенгроқ ёйишга қаратилган аниқ режали ишлар қамрови кенгаймоқда. Айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб, туман аҳолиси тоза ичимлик суви таъминотидаги турфа муаммо ва қийинчиликлардан деярли халос бўлди. Энг олис қишлоқлардаги хонадонларда ҳам «зангори олов» ёнмоқда.

Туман қиёфасига кўрк қўшаётган ижтимоий объектлардаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳам бугун авж паллага кирган. Мактаб ва боғчалар, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият масканлари, клуб ва кутубхоналарда замонавий, қулай шарт-шароитлар яратилаётир. Бу ердаги узлуксиз таълимнинг ўрта бўғини ҳисобланган чинакам касб-ҳунар коллежлари сони 4 тага етди. Уларда юзлаб бўкалик илмга чанқоқ ёшлар таълим-тарбия олиб, ҳунар эгаллаётирлар.

Бугунги Истиқлол ислоҳотларининг яна бир муҳим жиҳати туманда тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ва саноат тизимининг изчил шаклланаётганлигидир. Айни вақтда, туман фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмай, халқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқларига ҳам дадил кириб бормоқда. Хусусан, ҳозир пухта ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилиши мўлжалланаётган истиқболли дастурлар ҳудудда тадбиркорлик тизимини жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

— Асосий мақсадимиз ҳам ана шу хайрли вазифага қаратилган, — дейди туман ҳокими Неъмат Абдуллаев. — Туманга саноатни олиб кириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун етарли шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Очиғи, туманимизда тизимда шу чоққача фойдаланилмай келинган имкониятлар йўқ эмас. Умуман, бу борада дастлабки қадамларни ташлаяпмиз.

Дарҳақиқат, дадил одимлар порлоқ манзиллар сари бошлаши аниқ. Шундай экан, мазкур йўқламада Бўка туманининг бугуни ва эртанги куни, туман аҳли, меҳнаткашларининг мақсад ва вазифалари, истиқлол бераётган имкониятлардан руҳланиб эришаётган муваффақиятлари хусусида сўз юритишнинг айни мавридидир.

ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб Оққўрғон туман марказий шифохонаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Бунинг учун ҳомий фермерлар, «Оққўрғон пахта тозалаш заводи» ҳамда давлат бюджети ҳисобидан 108 миллион сўм маблағ ажратилди.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ»

Янгийўл шаҳридаги маҳалла, муассаса, корхона ва ташкилотларда шу мавзуда суҳбатлар уюштирилмоқда.

Уларни юксак савияда ўтказишда шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маънавият-маърифат маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлиги кўл келмоқда. 24 июлдан 29 августга қадар ўтказилиши режалаштирилган бу тадбирлар республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланади. Тадбирларнинг дастлабкилари «Рамадон» ҳамда Охунбобоев номли маҳаллаларда ўтказилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

ҚУРИЛИШДА БЕПАРВОЛИК КЕТМАЙДИ

— дейди вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи Тоҳир Ботиров.

Бунёдкор қўллар бор экан, иншоотлар қад ростлайверади, йўллар қурилаверади, иморатлар фойдаланишга топширилаверади. Энг муҳими — уларнинг сифати, кўркамлиги, узоқ муддатга мўлжалланганлиги, яъни мустаҳкамлигидир. Ана шу ва бошқа муҳим вазифаларни таъминлашга даъват этилган назорат инспекцияси 10 йилдан буён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Биз инспекция фаолияти билан яқинроқ танишишни мақсад қилдик.

— Тоҳир Нуруллаевич, бугунги кунда инспекциянинг фаолиятини нималарда кўриш мумкин?

— Умуман олганда, инспекция юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, белгиланган меъёр ва қоидалар талабларига, қурилишнинг барча босқичларида лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига, давлат стандартларига, қурилиш-монтаж ишлари технологиясига риоя этилиши устидан назорат қилади. Молиялаштириш манбаларидан ва буюртмачининг мулкчилик шаклидан қатъи назар, якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари барча қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, қурилиш-монтаж ишларига рухсатномалар бериш ҳам бизнинг вазифамизга киради. Шунингдек, қурилишда қўлланилаётган ашёлар, буюмлар ва конструкцияларнинг давлат стандартлари талабларига ва техник шартларига мувофиқлиги устидан назорат амалга оширилади.

— Шу йилнинг ўтган даврида қандай ишларни амалга оширишга улгурилди?

— 291 объект рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг барчасига қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рухсатномалар берилди. Аҳамиятлиси шундаки, уларнинг 211 таси манзилли дастурга киритилган. Уларда 674 марта текширув ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 369 та кўрсатма берилди. Қурилиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишига йўл қўйган 12 ҳолат юзасидан 5123 минг сўмлик жарима чораси қўлланилди. Тўққиз ҳолатда молия-

(Давоми 2-бетда).

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Янгийўл шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида ҳам Мустақилликнинг 15 йиллигига ҳамда янги ўқув йилига катта тайёргарлик кўрилмоқда.

«Қурилиш ишончлойиҳа» фирмасининг 150 нафар қурувчилари томонидан мактаб биноси реконструкция қилиниб, тўлиқ таъмирланди. 210 ўринга мўлжалланган 6 та синф хонасидан иборат қўшимча ўқув корпуси қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Бунинг учун жами 357 миллион сўм маблағ ажратилган.

Хуррият МЎМИНОВА.

ЯНГИ АСБОБ-УСКУНАЛАР ЎРНАТИЛДИ

Пахта йиғим-теримига «Чиноз пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Корхона омбор ва бостирмалари янги мавсумга қайта таъмирланди. Шунингдек, завод ҳудуди тартибга келтирилиб, қуритиш цехи ва транспортёрлар созланди. Чигитни туксизлантириш цехига эса, замонавий асбоб-анжомлар ўрнатилди.

ВАТАН ҲАҚИДА УЧ ҚЎШИҚ

Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтадиган байрам кечасида Янгийўл шаҳрининг «Янгийўл» дастаси 3 та қўшиқ билан иштирок этади.

Қўшиқ муаллифлари тўғарак бадиий раҳбари Гулноза Шорахмедова ва ижрочилар Шаҳло Йўлчиева ҳамда Аҳмад Мирзааҳмедовдир.

Бадиий гуруҳ ҳозир байрамга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Мўмин ИБОДОВ.

ҚВПлар УЧУН ЖИҲОЗЛАР

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурида вилоятимизнинг бирламчи тиббий ёрдам тизимида яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, Паркент туманидаги иккита қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурида халқимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Тумандаги Номданак ва Сўқоқ қишлоқлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида Республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳар бир врачлик пунктига 10 миллион сўмга тенг замонавий тиббий асбоб-анжомлар топширилди.

Шунингдек, Қибрай туманидаги Хўжақўрғон врачлик пунктига ҳам шундай тиббий асбоб-ускуналар берилди.

«Туркистон-пресс».

Абитуриент — 2006

Кеча мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари абитуриентлари учун ниҳоятда ҳаяжонли кун бўлди. Бўлажак талаба йигит-қизлар катта ҳаёт бўсағасида билим ва имкониятларини синовдан ўтказдилар.



1 август куни бўлиб ўтган давлат тест синовлари мамлакатимиз таълим тизимида жорий этилган ёшлар билимини холисона аниқлаш ҳамда иқтидорли йигит-қизларни олий ўқув юртига қабул қилишда адолатли ва мақбул усулдир.

Дастлабки қабул куни вилоятимизнинг йирик олий ўқув даргоҳлари — Тошкент Давлат аграр университети ҳамда вилоят Давлат педагогика институти умидли ёшлар билан тўлди. Жумладан, аграр университетига 4 мингдан зиёд йигит-қиз ҳужжат топширди. Шулардан 1230 киши бакалавр, 212 киши эса магистр йўналишида таълим олишга муяссар бўлади. Бакалаврликка таълимнинг 17 йўналиши, магистрликка 36 йўналиш бўйича ўқув фанлари киритилди.

— Бу йил жами 7516 абитуриент ҳужжатини қабул қилдик, — дейди вилоят педагогика институти қабул комиссияси раиси Исҳоқ Носиров. — Демак, ўтган йилга нисбатан талабгорлар 600 йигит-қизга ошди. Режа асосида бу йил 1580 нафар ёшларни ўқишга қабул қиламиз. Шундан 1440 нафари кундузги бўлимда таҳсил олса, қолгани махсус сиртқи бўлимда ўқийди. Синов даврида ҳар ўринга 5 нафардан зиёд абитуриентларимиз даъвогар бўлишди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу йилги мавсумда нафақат вилоятимиз абитуриентлари, балки, Андижон, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларидан келиб таҳсил олиш истагида бўлган ёшлар ҳам кўпайди.

Эрта тонгданоқ ёшлар эзгу-тилаклар билан илму маърифат остонасидан ҳатлашди. Ҳар кўнгилда минг турфа умид. Талабалик бахтига муяссар бўлажак йигит-қизлар учун ҳар томонлама чуқур ва мукаммал илм эшиклари кенг очилади.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: *Тошкент Давлат Педагогика Университетида бўлиб ўтган тест синовлари пайти.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ҲАЯЖОНЛИ ОНЛАР ЗАВҚИ

Сайёр кенгаш

Бекобод шаҳар Марказий шифохонасининг акушерлик мажмуида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан сайёр кенгаш ўтказилди.

Унда республикамизнинг пойтахт ва барча вилоятларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мутасаддилар, бош педиатр ва акушер-гинекологлар ҳамда бошқа тегишли вакиллар иштирок этди.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Акушерлик мажмуи 1964 йилда қурилган бўлиб, кейинги йилларда бирмунча таъмирталаб ҳолга келиб қолган эди. Вазият, мажмуани бутунлай янгилаш ва тиббиётнинг замонавий жиҳозлари билан таъминлашни тақозо этарди. Шу боис, ўтган йили капитал реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Унга «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб, 560 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, замонавий дизайнда безатилиб, шинам ҳолга келтирилди. Туғруқхона ва туғруқдан кейин аёллар учун кераклі барча шарт-шароитлар яратилди.

Ўз навбатида мажмуа жамоаси ҳам бундай ғамхўрликка муносиб амалий жавоб қайтармоқда. 2005 йили етти ой давомида мажмуа ҳамда шаҳар поликлиникаларида ЮНИСЕФнинг «Касалхонанинг болаларга нисбатан дўстона муносабати» дастури бўйича ўқувлар ташкил этилди. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, мажмуа вилоятимизда, шаҳар поликлиникалари эса, республикамиз миқёсида биринчилар қатори сертификат олишга муяссар бўлди.

Бугунги кунда мажмуа раҳбарияти икки устувор вазифани ўз олдига мақсад қилиб, шу асосда изчил фаолият олиб бормоқда. Жумладан, физиологик жиҳатдан тоза туғруқ ҳамда она сутининг аҳамияти ва уни қўллаб-қувватлаш масалаларидир.

Сайёр кенгаш аъзоларида акушерлик мажмуида олиб борилаётган самарали меҳнат катта қизиқиш уйғотди.

Йиғилишда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бажарилган ишлар ва бошқа тегишли вазифалар хусусида ҳам атрофлича тўхталинди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *сайёр кенгаш ишидан лавҳа.*

Мустақилликнинг 15 йиллигига

2. ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧЛАРИ

Бўка тумани:

ИШЛАГАН ҚАДР ТОПАЁТГАН ЗАМИН

Бозорлари тўкин-сочин юрт фаровон бўлади, дейишади. Ҳақ гап. Бугун юртимиз бозорларини айланар экансиз, пештахталарнинг турли-туман ва сархил ноз-неъматлар билан тўлиб-тошганлигининг гувоҳи бўласиз.

Замон талабига мослашган бунёд этилаётган савдо мажмуалари эса бозор файзига файз, ўзгача чирой бағишламоқда.

Бўка туманига кириб борар экансиз, шундоққина йўл бўйида жойлашган марказий деҳқон бозори бугун ўз қиёфасини ўзгартириб, замонавийлик касб этганлигини кўришингиз мумкин.

— Бу йил биргина мол бозорининг ўзида 8,5 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга оширдик, — дейди бозор раҳбари Одилжон Аҳмедов. — Қўшимча усти ёпиқ савдо айвонлари қурилди. Зотдор моллар савдоси учун мўлжалланган махсус павильон ҳам ишга туширилди.

Деҳқон бозорида эса 100 та қўшимча савдо расталари қурилди, кўргазмали паннолар янгиланди, атроф ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди.

Деҳқон бозорининг ташқи кўринишини янада замонавийлаштириш ва жиҳозларини янгилаш мақсадида 100 миллион сўм кредит учун барча зарурий ҳужжатлар тайёрланди. Келгуси йилдан ана шу лойиҳа бўйича ишлар бошланади.

2006 йилнинг биринчи ярмида бозор даромади қарийб 35 миллион сўмга етди. Бу ўтган йилларга нисбатан анча юқори кўрсаткичдир.

Туман иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаётган корхоналардан яна бири пахта тозалаш заводидир. Бугун бу ерда 500 дан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Корхонада йилига 40 минг тоннадан зиёд пахта қайта ишланмоқда.

— Бу йил ҳам фермерлар билан қарийб 40 минг тонна пахтага шартнома тузганмиз, — дейди корхона иш юритувчиси Ғафур Бердиев. — Шунга мувофиқ мавсумга тайёргарликни жадаллаштирмоқдамиз. Корхона бинолари капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 50 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 15 миллион сўмлик янги техникалар харид қилинди.

СУРАТЛАРДА: туман деҳқон бозорининг ички кўриниши; (ўртада) туман пахта тозалаш заводи иш юритувчиси Ғофур Бердиев ишчилар билан мавсумга тайёргарликни кўздан кечирмоқда; (ўнгдан иккинчи) марказий трактор парки рейси ўринбосари Пўлат Абдулазизов операторлари билан терим машиналарининг таъмирланиши юзасидан суҳбатлашмоқда.

— Маошимиз ўртача 50-60 минг сўм, — дейди ишчи Фатхилла Адҳамов. — Ишчилар бажарадиган вазифасига қараб 150 минг сўмгача ойлик иш ҳақи олишади.

Бундай моддий манфаатдорлик юқори бўлган корхоналар, айниқса, хусусий тармоқлар туманда кўп.

Масалан, кўп тармоқли «Бунёдкор» корхонаси ана шундайлар сирасидан. Ушбу корхона бир неча йиллардан буён вилоят миқёсида қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажариб келмоқда. Айниқса, корхона томонидан кўплаб ўқув ва тиббий муассасалар бунёд этилган. Хусусан, Оҳангарон, Пскент, Бўка, Ўртачирчиқ туманларидаги касб-ҳунар коллежлари, бир неча мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари «Бунёдкор» қурувчилари томонидан барпо этилди.

Пскент тумани Мурода-ли қўрғонида бунёд этилган касб-ҳунар коллежини олиб кўрайлик. Ташқи қиёфасининг бежиримлилиги, ички жиҳозлари ҳам замонга мослиги корхона ишидаги сифат қанчалик юқори эканлигидан далолатдир.

Туманда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам эътибор кучаймоқда. Бундан қарийб 3-4 йил илгари «Паркент» ширкат хўжалиги ҳудудида хусусий консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона иш бошлаган эди.

— Бугунги кунда корхонамиз фаолиятини бир маромга солиш ҳамда маҳсулот таъминотининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида қўшни туманлардаги деҳқонлар ва боғбонлар билан шартнома тузаяпмиз, — дейди хусусий тадбиркор, корхона раҳбари Шерали Отабоев. — Чунки, ишлаб чиқариш қуввати анча салмоқли, қолаверса, туманда консервабоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари камлик қиляпти.

Шу зайлда туманда иқтисодиётнинг бир қисми ҳисобланган ишлаб чиқаришга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш ҳақидаги бир қатор фармон ва қарорлари ижроси юзасидан босқичма-босқич амалий ишларга қўл урилмоқда. Ўйлаймизки, яқин келажакда бу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини беради.

ҚУРИЛИШДА БЕПАРВОЛИК КЕТМАЙДИ

вий чора кўрилиб, сифатсиз бажарилган 4 миллион 971,2 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ҳисоботдан чиқарилди. Аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этгунга қадар 37 та объектнинг қурилиши вақтинчалик тўхтатиб қўйилди.

Шунингдек, аҳоли яшаш пунктлари қурилишида шаҳарсозлик кодекси ва бош режа интизомига риоя қилиниши юзасидан 174 та объект текширилиб, тартибга зид ҳолда қурилаётган 7 та объект буздириб ташланди. Бошланғич рухсат бериш ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўзбошимчалик билан амалга оширилаётган 68 та объектнинг қурилиши тўхтатилиб қўйилди ва қолган 58 та объект қурувчиларига барча керакли ҳужжатларни расмийлаштириш юзасидан огоҳлантириш хатлари берилди.

Шу билан бирга академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларидаги қурилиш, таъмирлаш ва қайта қуриш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги қай тартибда белгиланган?

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган лойиҳалаш, бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқарувчи, қурилишда буюртмачи ҳисобланувчи ёки бирйўла буюртмачи ва пудратчи вазифаларини бажарувчи юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий тартибда жарима солинади. Агар лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш чоғида меъёрий ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолати бинолар, иморатлар, иншоотларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилик ёки мустаҳкамлик параметрлари йўқотилишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима солиниши белгиланган. Ушбу элементлар пухталигининг пасайишига сабаб бўладиган ҳолатлар юз берса, иш ҳақининг 30 бараваридан 60 бараваригача миқдорида жарима солинади. Бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларнинг талаблари бузилса ҳам тегишли чоралар кўрилади.

— Яқин кунларда очилиш маросими кутилаётган қурилиш-синов лабораториясининг фаолияти айнан ушбу ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бўлса керак?!

— Тўғри айтдингиз. Ушбу лабораториянинг очилиши бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас. Аслини олганда, инспекция иш юритяптими, демак унинг қошида албатта, синов лабораторияси бўлиши керак. Лекин шу пайтгача бизда бундай имконият мавжуд эмасди. Бунинг натижасида шартномалар тузган ҳолда бошқа ташкилотлар қошидаги лабораториялар хизматларидан фойдаланишга мажбур бўлинарди. Бу эса ўзўзидан бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда оворагарчилик, ортиқча сарф-харажатларни келтириб чиқарарди. Ўзимизда айнан шундай лаборатория фаолиятининг йўлга қўйилиши билан шундай ҳолатларнинг олди олинадиган бўлди. Эндиликда қурувчиларимиз буюртма беришса бас, қолган ишлар учун ўзимиз масъулмиз.

Лаборатория ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам боғлиқ бўлмаган «холис» мустақил тузилма ҳисобланади. Бу ерда қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларини даврий, қабул қилиш-топшириш, сертификатлаш мақсадида квалификация ва назорат синовлари ўтказилади.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

Қарор ва ижро

НАЗОРАТЧИ АСЛИДА ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Шу боис, Президентимиз ва ҳукуматимиз шу соҳа кишиларининг эркин фаолият юритишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида қатор фармон ва карорлар чиқараётир.

Жумладан, Президентнинг иқтисодиётни эркинлаштиришни чуқурлаштириш, хусусий тармоқни ривожлантириш ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратишга қаратилган «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Фармонда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолияти ҳар 4 йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ҳар 3 йилда бир марта режа асосида текширилиши белгиланган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар рўйхатдан ўтгандан кейин 2 йил давомида режа асосида текшириш ўтказилмайди.

Шунингдек, Президентнинг бошқа қатор фармонлари ҳам тадбиркорларга катта қулайликлар яратади. Ушбу фармон ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш борасида электр энергетикада назорат бўйича «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси Тошкент ҳудудий бўлими томонидан арзирли ишлар амалга оширилаётир. Зеро, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш бугунги куннинг муҳим вазифаси.

Вилоят шаҳар ва туманларида юқоридаги фармонлардан келиб чиққан ҳолда бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, хўжалик субъектлари билан учрашувлар ва семинарлар ўтказилмоқда. Тадбирлар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишмоқда, мутахассислар билан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорларга, уларнинг ишини ривожлантиришга, қулайликлар яратишга ўз улушимизни қўшишни асосий мақсад қилганмиз.

Зокир МИРЗАҲАЛИЛОВ, Иброҳим РАҲМОНОВ, давлат инспекцияси бўлими назоратчилари.

ТЎЛОВЛАР ВАҚТИДА УНДИРИЛМОҚДА

Паркент туман давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари башорати тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, ярим йиллик учун белгиланган башорат кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Туман ҳудудида яшовчи жисмоний шахслардан ундириладиган маҳаллий солиқлар бўйича 2006 йил 1 июль ҳолатига ер солиғи бўйича 24 минг 134 та хўжалик рўйхатга олинган. Шундан имтиёз берилганлардан ташқари 15 минг 158 та хўжаликка 2006 йил учун ҳисобланган ер солиғи 99 миллион 840 минг сўмни ташкил этиб, биринчи ярим йил давомида йиллик ҳисобланган солиқнинг 51 фоизи ундирилиши таъминланди.

Мол-мулк бўйича 19 минг 529 та хўжаликдан 10 минг 591 тасига 34 миллион 100 минг мол-мулк солиғи ҳисобланиб, 40 фоизи ундирилди.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга ҳисобланган солиқларнинг ундирилиши таъминланмоқда. 2006 йил 1 июль ҳолатига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан давлат бюджетига 56 миллион 925 минг сўм миқдорида даромад солиғи ундирилди. Бундан ташқари, бир марталик декларация асосида 34 фуқарога 950 минг сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланиб, давлат бюджетига ундирилди.

Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш билан қонунга хилоф равишда шуғулланаётган шахсларни аниқлаш борасида туман давлат автомобиль назорати ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам рейд-текширувлар ўтказилди. Натижада 30 нафар фуқаро автотранспорт воситасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш қоидаларини бузганлиги аниқланиб, белгиланган тартибда қонуний чора кўрилди.

Алишер ҲАМДАМОВ, туман давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи.

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАРНИНГ ЯПОНИЯДАГИ ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда Япония ҳукуматининг кичик кўламли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасидаги шартномалар имзоланди.

Тадбирда жами 385 минг АҚШ доллари қийматига тенг бешта шартнома имзоланди. Шулардан учтаси Сурхондарё вилоятидаги шифо масканларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, қолган иккитаси Тошкент вилоятидаги имконияти чекланган болалар ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таъминотини янада яхшилашни кўзда тутади.

Шартномаларни имзолаш маросимида Японияниинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

Орифжон ТУРОПОВ, ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Устоз ҳақида сўз

УНГА ЎХШАШГА ИНТИЛАРДИК

Шундай инсонлар борки, замондошлари тақдирига улар кўрсатган таъсир унутилмайди. Бундай кишилар ўз атрофларига иқтидорли, салоҳиятли ёшларни жамлаб, катта ҳаёт йўлига олиб чиқадилар, давр руҳига ҳозиржавоб, изланувчан ва қатъиятли шогирдларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб вояга етказадилар. Ажойиб раҳбар — журналист, иқтидорли ёзувчи Мақсуд Қориев ана шундай устоз, самимий, ширинсухан, камсуқум, меҳрибон инсон.

Мақсуд Қориев дастлаб «Тошкент ҳақиқати», кейинчалик узоқ муддат ҳозирги «Ўзбекистон овози» газеталарига раҳбарлик қилди. Ўша йиллари бу таҳририятларда кўплаб олимлар, ёзувчилар, шоирлар етишиб чиқди.

Мақсуд Қориев ижодий жамоаларга раҳбарлик қилган йиллари фан ва техника тараққиёти, маънавий ва ахлоқий тарбия, адабиёт ва санъат масалалари ниҳоятда кўламли ёритилди. Бундай ёндашувнинг ўз илдизлари бор эди, албатта. Зеро, юридик фанлари номзоди Мақсуд Қориев «Тошкент ҳақиқати» газетасига бош муҳаррир қилиб тайинлагунича катта ҳаёт ва қизғин ижод йўлини босиб ўтди, иқтидорли журналист ва матбуотнинг билимдон раҳбари сифатида шаклланди. Тошкент Давлат университети юридик факультетини тугатиб, ўз даврининг таниқли олими, ҳуқуқшунос Отабой Эшонов раҳбарлигида илмий ишини муваффақиятли якунлагач, бирмунча муддат талабаларга сабоқ берди. Ҳуқуқшуносликка, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга доир мақолалари билан турли матбуот нашрларида фаол қатнаша бошлади.

— Ҳам ишлаб, ҳам юридик институтда лекция ўқиб юрган чоғимда «Тошкент ҳақиқати» вилоят газетаси чиқариладиган бўлди, — деб эслайди Мақсуд Қориевич. — Янги газетага Зиёд Есенбоев бош муҳаррирликка тайинлангач: «Шу ерга ишга келасан, ҳозирча бўлим мудири бўлиб ишлайсан, кейин ўринбосар бўласан», — деди.

У кишининг раҳбарлик салоҳияти, иш тутими ўзгача эди. Табиийки, биз бу жиҳатларни эгаллаб олишга, ҳар бир ишда унга ўхшашга интилардик.

Мақсуд Қориевич раҳбарлигида газета саҳифаларида Олмалиқдаги янги корхоналар қурилиши, Ангрен кўмир конларидаги реконструкция ишлари, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида замонавий технология асосида барпо этилаётган йирик-йирик саноат корхоналарининг қурилишлари мунтазам ёритиларди. Газета материалларида ишлаб чиқаришни техникалаштириш ва илмий асосда ривожлантириш, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг жўшқин меҳнат руҳи баралла уфуриб турарди. Бош муҳаррир ёшларнинг ҳар бир муваффақиятини қувонар, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлар, рағбатлантирарди.

Бош муҳаррир газетада танқиднинг кучига ишонар, танқидий материалларга кенг ўрин берилиши лозимлигини қайта-қайта таъкидларди. Бунинг учун бош муҳаррирдан жуда катта сабот ва қатъият, ўзи билан бирга ишлаётган ходимларнинг маҳорати ва ишга садоқатига ишонч талаб қилинарди.

2000 йилнинг охирлари — «Халқ сўзи» газетасида биргаликда ишлаб юрган кезларимиз устоз журналист Исмоилжон Сулаймонов билан суҳбатларимиз чоғида матбуотимиз тарихида ўчмас из қолдирган ижодкорларни кўп эслардик. Бир куни Мақсуд Қориевнинг фазилатлари хусусида гап бошланиб қолди.

Шу куни Исмоилжон ака шундай бир воқеани ҳикоя қилиб бердилар:

— «Тошкент ҳақиқати» бир хўжаликни оталиққа олган эди. Хўжаликдаги ишлар, муаммолар мунтазам ёритиб турилларди. Ўша хўжалик раҳбари таҳририятга қайта-қайта келиб, бир пиёла чойга таклиф қилаверди. Охири бўлмагач, унинг таклифини муҳаррирга етказдим.

— Мана ўзинг ўйлаб кўр, — деди Мақсуд Қориевич гапимни босиқлик билан эшитиб бўлгач, — сен ҳам, мен ҳам ичмаймиз. Бир коса овқатга қорнимиз тўяди. Шундай бўлгач, нима кераги бор бундай меҳмондорчиликнинг? Агар истасанг, уйга борамиз. Ошнамиз Маҳмудни чақирамиз, шундай таом тайёрлайдики, роҳат қиласан. Ҳеч кимга боғланиб қолмайлик, дўстим. Шунда эмин-эркин нафас оламиз, тилимиз ҳам ҳамиша узун, юзимиз ёруғ бўлади.

Мақсуд Қориев ўзи раҳбарлик қилган таҳририят атрофига мамлакатнинг кўзга кўринган зиёлиларини, билимдон, ташкилотчи хўжалик раҳбарлари, жамоат ва давлат арбобларини тўпларди, шу тариқа газета саҳифаларига кўпчиликни қизиқтирадиган долзарб мавзулардаги материалларни олиб чиқишга эришарди.

Бадиий адабиёт ихлосмандлари, кенг жамоатчилик Мақсуд Қориевни истеъдодли ҳикоянавис, бир қатор қисса ва романларнинг муаллифи сифатида танишади, унинг асарларини севиб ўқишади. Ўзининг жажжи ҳикоялари билан бадиий ижодга кириб келган устоз бирин-кетин «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Ой тутилган кеча», «Турналар баланд учади», «Қалдирғочлар баҳорда келади» сингари қиссаларини эълон қилди ва ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди. Ҳозирги пайтда Мақсуд Қориев тарихий мавзулардаги романларнинг муаллифи сифатида ҳам танилган. Кейинги ойларда мамлакатимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларида таниқли ёзувчининг «Ғазнавийлар» романи тақдимотига бағишланган учрашувлар, кечалар бўлиб ўтди. Бу тарихий асар эълон қилинган дастлабки кунларданоқ ўзбек романчилигида ўзига хос ўрин эгаллади.

...Қачонки, Мақсуд Қориевичга рўпара келсам, у кишининг ҳамиша тиниқ чеҳраси, бироз ўйчан, лекин меҳр-мурувват балқиб турган кўзларига тикилиб, баҳри-дилим очилади, алланечук енгил тортаман. У кишининг ҳаёт йўли ва ижоди ҳамиша қаламкашлар учун яшаш ва яратиш намунаси бўлиб келмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МАДАНИЯТ ХАЛҚЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-маркази ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) Токиодаги марказини боғлаган Тошкент-Токио видеоконференцияси ўзбек-япон маданий алоқаларини ривожлантиришда яна бир қадам бўлди.

У "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва унинг Япониядаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон-Япония инсоний ресурсларни ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ва JICA кўмагида ташкил этилди.

Видеоконференцияда олий ўқув юртлари талабалари, жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди. Унинг дастуридан дуторда ижро этилган мусиқий композициялар, япон қўшиқлари, ўзбек халқ рақслари, халқларимиз маданий алоқаларига бағишланган викторина жой олди. Кунчиқар юрт вакиллари викторина саволларига жавоб бераётганда юксак билим даражасини намойиш этди. Бу япон ёшларининг юртимиз ҳақидаги билими жуда кенг ва Буюк ипак йўли тарихига қизиқиш катта эканидан далолат.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Қишлоқ мулкдорлари

Оққўрғон фарзанди Бурхон болалик давридан деҳқончилик сирасрорларини пухта эгаллаб борди. Аввалига отаси ёнида сувчилик қилиб, сўнгра бригада механизатори бўлиб иш бошлади.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Ундаги интилишни зимдан кузатиб юрган ўша вақтдаги хўжалик раҳбари Тўйчи Бегимқулов унга бригада етакчилигини таклиф қилиб, ўзи механизаторлик ва табелчилик қилиб юрган ерлардан 100 гектарини ажратиб берди. Натижада биринчи йилнинг ўзида пахта етказиб бериш шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. Ҳар бир дала меҳнаткашининг йиллик даромади икки баробар ошди.

— 1995 йили фермерлик ҳаракатининг шабадаси биз томонга ҳам етиб кела бошлади, — дейди фермер Бурхон Қурбонов. — Оиламиз билан икки гектар майдонда мустақил фаолият юритишга аҳд қилдик. Бизнинг илтимосимиз туман ҳокимлиги томонидан қондирилиб, хўжалигимиз учун икки гектар ер ажратиб берилди. Биринчи йили экин майдонларимизда тарвуз, қовун ва помидор етиштириб, режани ортиғи билан бажардик. Бир миллион сўмдан ортиқ даромад қилдик. 1998 йили ички имкониятларимизни чамалаб кўриб, экин майдонимизни 25 гектарга етказдик. Унинг 11 гектарида буғдой етиштирилиб, ҳосилдорлик режадаги 38 ўрнига 45 центнерни ташкил этди.

17 гектар майдондаги пахтадан 29 центнердан ҳосил йиғиб олишга эришдик. Ҳосилдорлик 8,2 центнерга кўтарилиб, ялпи даромадимиз 25 миллион сўмдан ошиб кетди. Аъзоларимизнинг йиллик даромади эса, 670-700 минг сўмга етди.

2004 йили Ҳамид Олимжон номли хўжалик тугатилиши муносабати билан экин майдонлари фермер хўжаликларига тендер асосида бўлиб берилди. «Бурхон» фермер хўжалиги ҳам тендерда 24 гектар ер ютиб олиб, экин майдонини 50 гектарга етказди.

— «Бурхон» фермер хўжалиги туманимиздаги илғор хўжаликлардан бирига айланди, — дейди туман фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Ҳамро Исоқов. — Хўжалик ўзининг етарли техникасига эга.

Дарҳақиқат, «Иш билганга минг танга» деганларидек, «Бурхон» фермер хўжалиги ривожланишнинг ойдин йўлига тушиб олди. Хўжалик аъзолари чинакам бахт ва бойликни меҳнатдан яратаётирлар.

Пардабой ЭРГАШЕВ.

КАРТОЧКА ЙЎҚОЛСА ҲАМ, ПУЛ ЙЎҚОЛМАЙДИ

Мамлакатимизда савдо-сервис, коммунал ва бошқа тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими тобора ривожланмоқда.

– Пластик карточка пулнинг банкдан ташқари айланишини кескин қисқартириш билан бирга мазкур тўлов усули жуда қулай эканлигини амалда исботламоқда, – дейди "Ипотека-банк " акциядорлик-тижорат банки пластик карточкалар бошқармаси бошлиғи Улуғбек Раҳметов. – Шу боис банкимиз пластик карточкалари сони 400 минг донага етди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ишчи-хизматчилари ойлик маошининг муайян қисми "Ипотека-банк" пластик карточкалари орқали берилмоқда. "Тошкент лак-бўёқ заводи", "Тошгипрогор", Бекободдаги "Ўзметкомбинат" ҳамда Олмалиқ конметаллургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти каби корхоналар шулар жумласидандир.

Бу тўлов воситасининг яна бир аҳамиятли жиҳати – ундаги қолдиқ суммага йиллик фоиз тўлаб борилади. Масалан, "Ипотека-банк"да бу 16 фоиз белгиланган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу банк пластик карточкалари ҳисоб рақамидаги қолдиқ сумма икки миллиард олти юз миллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2005 йил якунидагига нисбатан 36,5 фоиз кўп демакдир.

ЎзА.

Тошкент Фото уйида "Қадимий Нахшаб – навқирон шаҳар" мавзуида кўргазма очилди.

НАХШАБГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Унда Турсун Али, Владимир Жирнов, Александр Раевский, Раиля Ханипова сингари фото усталарининг 2700 йиллик тарихга эга мазкур шаҳарнинг қадимий тарихи ва одамларининг бугунги ҳаётига оид ўнлаб асарлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент Фото уйи, Халқаро маданият карвонсаройи, Ўзбекистон Давлат тарих музейи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмадан, мамлакатимиз олимларининг олиб борган археологик изланишларига доир суратлар кенг ўрин олган.

ЎзА.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ !

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси

Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов ўтказилиш куни: 2006 йил 2, 9, 16, 23, 30 август ва 7, 14, 21, 28 сентябрь кунлари
Вақти: соат 11.00 да
Ўтказилиш жойи: Тошкент вилояти ҳокимияти
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:

А) ариза ҳужжатлар тўплами;
Б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлар тўплами;
В) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:
1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати);
2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;
3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари;
4. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).

Конвертлар муҳрланиб (жисмоний шахслар томонидан имзоланган ҳолда) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига топширилади.

Т/р	Корхона ёки объект номи	Жойлашган жойи (тум., шаҳ.)	Устав фондидаги давлат активи (фоизда)		Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм)	Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати (йил)
			Жами	Шу жумладан давлат улуши			
1	"Olmaliq Taems" (Олмалиқ шаҳар босмахонаси) МЧЖ	Олмалиқ шаҳри	100	100	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	100	12 ой

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси. Телефонлар: 139-21-24, 139-22-27, 139-83-90.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПФ-29-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси"нинг 2006 йил 14 июлда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳрида жойлашган "Olmaliq Taems" (Олмалиқ шаҳар босмахонаси) МЧЖ 100 фоиз давлат активи бўйича инвестор Т. Умаров билан тузилган шартномалар бекор қилинганлиги ва улар бўйича қайта танлов савдолари эълон қилинганлиги маълум қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси"нинг 2006 йил 28 июнда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманида жойлашган "Туманлараро силга қарши курашиш диспансери"га қарашли эски ҳисобхона биноси давлат объекти бўйича бир йил муддат ичида жами 8500,0 минг сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторга бепул берилганлиги маълум қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси"нинг 2006 йил 19 июлда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган "Ғунча" болалар боғчаси давлат объекти бўйича бир йил муддат ичида жами 65000,0 минг сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторга бепул берилганлиги маълум қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПФ-29-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси"нинг 2006 йил 19 июлда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида жойлашган "Мафтуна" акциядорлик жамиятининг 74 фоиз давлат активи бўйича икки йил муддат ичида жами 650000,0 минг сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторга бепул берилганлиги маълум қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси"нинг 2006 йил 13 июнда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Паркент туманида жойлашган "Паркент ИКМК" ОАЖнинг 98,14 фоиз давлат активи бўйича инвесторлар билан тузган шартномалари бекор қилинганлиги ва улар бўйича қайта танлов савдолари эълон қилинганлиги маълум қилинади.

Бўка тумани:

ИШЛАГАН ҚАДР ТОПАЁТГАН ЗАМИН

3. МУЛКДОРЛАР МАНФААТИ УСТУВОР

...Бир вақтлар далада уззу кун тер тўкиб меҳнат қилиб бири икки бўлмаган, қадр-қиммат топмаган, ҳузур-ҳаловат кўрмаган деҳқон бугун ер эгаси бўлиб, етиштираётган ҳосилини тўлиқ тасарруф этаётган, миллионлаб даромад олаётган, замоннинг олди кишисига айланганини кўрганда, кўнглингиздан нималар кечади? Деҳқонлар юртида деҳқон манфаатининг устувор қўйилаётгани, ерлар чинакам эгасини топаётгани, заминдор учун барча эшиклар очиб берилаётгани эл-юртимиз тўқ, тўкин-сочин ва фаровон ҳаёт сари одимлаётганидан далолат эмасми?

Бўкалик деҳқонларнинг бугунги интилишлари, мақсад-вазифалари, режалари ва албатта, эришаётган ютуқлари билан танишиш асносида, юқоридаги саволларга ҳаётий жавоб топгандек бўлдик.

Эътироф этиш жоизки, туманда аграр соҳада кўп йиллик тажриба ва малака эгалланган. Бунинг самараси ўлароқ, бўкаликлар ҳар йили асосий тармоқлар — пахта ва ғалла етиштиришда илғорликни қўлдан бермай келадилар. Хусусан, бу мавсум ғаллакорлар 14732 гектар майдонда дон етиштириб, 56332 тонналик улкан хирмонни бунёд этдилар. Унинг қарийб 32 тоннаси эл-юрт хирмонига, қолгани фермер ва ширкат хўжаликлари аъзоларининг шахсий омборларига тўкилди. Бу катта хирмонда фермер хўжаликлари улуши 41 минг тоннадан ошди. Қолган қисми эса, 6 та ширкат хўжалиги ҳиссасига тўғри келди.

Айни вақтда пахтакорлар 16460 гектар ерда «оқ олтин» етиштираётирлар. Катта мақсадга яраша ҳаракатлар бошиданоқ пухта, омилкорлик билан амалга оширилмоқда. Ғўзаларнинг ҳозирги ҳолатидан деҳқонлар кўнгли тўқ. Экинлар икки мартадан тўлиқ суғорилиб, минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Лозим бўлган барча агротехник тадбирлар меъёрида, вақтида олиб борилаётир. Туман статистика бўлимидан олинган маълумотномадаги рақамлардан баъзилари келтириб ўтилса, бўкалик деҳқонлар аграр тармоқда эришаётган самарадорлик йилдан-йилга юқорилаётгани ойдинлашади. Чунончи, 2003 йил туманда 28410 тонна пахта етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда қарийб 40 минг тоннага етди. Худди шунингдек, ғалла етиштириш 5,5 минг, гўшт ва сут ишлаб чиқариш салкам 10 минг тоннага ортди. Сабзавот, полиз, картошка ва мевачиликда ҳам барқарор ўсиш кузатилмоқда.

— Тармоқда қўлга киритилаётган муваффақиятларни бевосита фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши билан изоҳлаш тўғри бўлади, — дейди фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раҳбари Юсуф Хусаинов. — Бугун туманимиз фермерлари 1280 нафарга, улар ихтиёридаги ерлар эса 25380 гектарга етгани янги заминдорлар тармоқда катта кучга айланганидан далолатдир. Хусусан, «Учқун», «Саркор», «Камолот», «Нишон», «Темур», «Аср», «Ислом», «Абдужаббор ота» каби фермер хўжаликларимиз фаолиятини ҳар жиҳатдан ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин.

Ана шундайлардан бири наслчиликка ихтисослашган «Баҳриддин» фермер хўжалигидир. У дастлаб бундан 10 йил муқаддам иш бошлаганида, қарамоғида 4-5 та қорамоли, 8-10 та қўй-эчкиси бор эди, холос. Ўтган йиллар хўжалик ҳаётида муносиб из қолдирди. Бугунга келиб, бу ерда парваришланаётган қорамоллар туёғи 140 тага етди. Шу билан бирга хўжаликда 23 та от, 50 та қўй, юзлаб товуқлар боқилмоқда.

— Асосий эътиборни наслли молларни кўпайтириш, шу тариқа тармоқда юқори самарадорликка эришишга қаратганмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдусамад Ражабов. — Наслдор сигирларимиздан кунига 30 литрдан сут соғиб олаяпмиз. Умуман, йилига 20 тонна сут, 7 тоннадан ортиқ гўшт, шунингдек, аҳоли талаб ва эҳтиёжлари учун зотдор қорамолларни тирик вазнда сотаяпмиз. Ўртача йиллик даромадимиз 40 миллион сўмдан кам бўлмаяпти.

Қувонарли жиҳати, фермерлик ҳаракатининг бугунги ривожи, муваффақиятларидан ҳудудлардаги оддий қишлоқ одамлари беминнат наф кўрмоқда. Авваламбор, фермерлар чор-атрофдаги меҳнаткашлар учун кўплаб иш ўринлари яратмоқдалар. Қолаверса, ҳомийлик, мурувват, хайру саховат кўрсатишда заминдорлар ҳиммати баланд бўлмоқда.

Хусусан, бу йил «Баҳриддин» фермер хўжалиги ҳомийлик ишларига даромадининг салмоқли қисмини ажратди. Иккита эҳтиёжманд оилага сигир олиб берди. Кўплаб кам таъминланган оилаларга моддий кўмак кўрсатяпти. Хўжаликда ташкил этилган зооветеринария, молларни сунъий урчитиш шахобчалари хизматидан ҳам кўпчилик фойдаланмоқда.

Ҳозир хўжаликда йигирмага яқин маҳаллий аҳоли вакиллари доимий иш билан таъминланган. Фермернинг келгуси режаларидан бири — сутни қайта ишловчи кичик корхона бунёд этишдир. Бу мақсад амалга ошса, яна кўплаб хотин-қизлар учун янги иш ўринлари очилади.

— Фермер бўлиб янглишмадик, — дейди тумандаги илғор фермерлардан яна бири Меҳмонали Отабоев. — Деҳқончиликнинг чинакам мўъжизалари, самара ва манфаатини энди аниқ ҳис этяпмиз. Оддий деҳқон учун ерга, сувга, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг берилиши, беқиёс имконият ва имтиёзларнинг яратилаётгани, улар мустаҳкам ҳуқуқий ҳимояда эканлиги катта мақсадлар сари руҳлантиряпти.

Дарҳақиқат, хўжалик деҳқонларининг қилаётган ҳаракати, омилкорлигига яраша эришаётган муваффақиятлари чакки бўлмаяпти. Фермер тасарруфидаги ерлар ҳозир 115 гектарга етди. Унинг 70 гектарида ғалла, қолганида пахта етиштирилади. Якунланган ғалла мавсумида деҳқонлар юзи ёруғ бўлди. Улар кутилганидан 10 центнер юқори ҳосилдорликка эришдилар. Хўжалик аъзолари пахтадан камида 35 центнердан ҳосил олишни мақсад қилишган. Бунинг учун улар айни дамлар масъулиятини чуқур ҳис этиб, ғўза парваришига жиддий эътибор билан ёндошмоқдалар.

Ташаббус ва ҳаракат сўнмаса, бўкалик деҳқонлар бунданда юксак марраларга етажаги шубҳасиз.



СУРАТЛАРДА: *фермер Меҳмонали Отабоев; «Баҳриддин» фермер хўжалиги раҳбари (чапдан) Абдусамад Ражабов ишчилар билан соғин сигирларни кўздан кечирмоқда.*

Мустақилликнинг 15 йиллигига

Бўка тумани:

ИШЛАГАН ҚАДР ТОПАЁТГАН ЗАМИН

Мустақилликнинг 15 йиллигига

4. ФАХРЛАНСА АРЗИГУЛИК ЮТУҚЛАР

Бўкаликлар жуда кўп соҳаларда ўзлари эришган ютуқлар билан фахрланишади. Масалан, спортнинг кикбоксинг тури бўйича республикада биринчи мактаб шу туманда очилган. Ҳозиргача бу ерда мазкур тур бўйича қатор спорт усталари етишиб чиқди. Улар жаҳон чемпионатларида давлатимиз байроғини баланд кўтариб, юртимиз довруғини дунёга таратмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: *кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Даврон Аширматов онаси Малоҳат Аширматова билан; «Дугоҳ» мақомчилар дастаси иштирокчилари; шифокорлар Абдураҳим Болтабоев ва Нуриддин Шодмонов ҳамда фельдшер Мурод Мирзаев муолажа вақтида.*

Даврон Аширматов туман кикбоксингчиларининг ёш вакилларидан. У болалигидан буён спортнинг шу тури билан шуғулланиб келмоқда. Маҳорат ва тезкорликда унга тенг каладигани кам топилади. Шунинг учун бўлса керак 2004 йили Осиё чемпионати баҳсларида ғолибликни осонгина қўлга киритди. Устозлари Шавкат Муллаев ҳамда Суннат Ғафуров раҳнамолигида кейинги мусобақаларга тайёргарликни яна кучайтириб борди ва 2005 йил Самарқандда бўлиб ўтган курашларда универсал жанг йўналиши бўйича жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди.

— Биз оиламиз билан спортчимиз, — дейди Даврон Аширматов. — Акам Рустам Аширматов эришаётган муваффақиятлар анча юқори. Россия, Қозоғистон мамлакатларида биринчи, иккинчи ўринларни қўлга киритиб қайтган.

Даврон эришган натижалар шу билан чеклангани йўқ. Бу йил ҳам у ўзининг юксак маҳорат эгаси эканлигини яна бир бор исботлади. Кикбоксинг бўйича ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақада қўли баланд келиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Бўкада ҳар тарафлама баркамол бундай йигитларни кўплаб учратиш мумкин. Шу сабабли спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам туманда кўз-кўз қилса арзийдиган натижаларга эришилмоқда. Масалан, туман футбол жамоаси вилоят босқичи мусобақаларида 1-ўринни қўлга киритиб, республика финалига йўл олди.

— Ҳудудларда кўплаб спорт мусобақалари, адабий-бадиий кечалар уюштирилади, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Зафар Расулов. — Айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида спортнинг футбол, кураш, волейбол, стол тенниси, баскетбол, шахмат-шашка турлари бўйича ўйинлар мунтазам ташкиллаштирилади.

Бўкада мақом, катта ашула бўйича ҳам ўзига хос мактаб яратилган. Буни биргина «Дугоҳ» дастаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Вилоятда биргина бизнинг «Дугоҳ» мақомчилар дастамиз ижод қилиб келмоқда, — дейди даста бадиий раҳбари Собир Нишонов. — Вилоят босқичидаги барча кўрик-танловларда мақом йўналишида доимо ғолибликни қўлга киритамиз. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган мақом ва катта ашулачилар кўрик-танловида ғолиб чиқиб, Хоразм вилоятида бўладиган танловнинг республика финал босқичига йўлланма олдик.

Айни ёз палласи бўлганлиги учун ўсмир ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида барча шароитлар муҳайё қилинган. Мавжуд 54 та умумтаълим мактабининг 3 тасида ёзги оромгоҳлар ташкил этилган. Уларда қарийб 300 га яқин ўқувчи мириқиб дам олмоқда. 46 та мактабда эса, соғломлаштириш майдончалари мавжуд. Шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасаларида, хусусан, ўқувчилар ижодиёт марказида 27 та йўналиш бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Уларда 1157 нафар ўқувчи ўз қизиқишлари бўйича маҳоратларини ошириб бормоқда. Бундан ташқари, техник ижодиёт марказида ҳам 14 та йўналиш бўйича тўгараклар 649 нафар ўсмир ёшлар банд қилинган. «Ёш конструктор», «Қишлоқ хўжалик техникаси», «Ёш киноҳаваскор», «Темирчилик», «Радио-техника» тўгараклари болаларнинг севимли масканига айланган.

Ўқувчиларнинг ёзги мавсумни кўнгилдагидек ўтказишларини таъминлаш билан бир қаторда ўқув муассасаларини янги мавсумга ҳозирлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача умуммиллий давлат дастурига мувофиқ 20 га яқин ўқув муассасасида капитал таъмир ҳамда реконструкция ишлари бажарилди.

Бундай янгиланиш жараёнлари нафақат халқ таълими муассасаларида, балки соғлиқни сақлаш тизимида ҳам яққол кўзга ташланади. 2005 йилда марказий поликлиника учун 2 қаватли замонавий бино қуриб берилди. Шунингдек, марказий шифохона ҳудудида тез тиббий ёрдам бўлими биноси қурилиб, ишга туширилди. Туғруқ бўлими эса Осиё тараққиёти банки талаблари даражасида таъмирланди. Бунинг учун қарийб 80 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тизим учун 26 миллион сўмлик янги тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар олинди. Хусусан, узоқ ҳудудларга хизмат қилувчи ультратовуш, ЭКГ, физиотерапия аппаратлари ҳамда автоклав тиббий жиҳозлари шулар жумласидандир.

Сирасини айтганда, бугун Бўка туманидаги қай бир соҳага назар ташламанг, ана шундай ўзгариш ва изланиш жараёнларининг устидан чиқасиз. Бу ерда айниқса, ёшлар тарбиясига муносабат ҳамда одамлар кайфиятидаги кўтаринкилик сезилиб туради. Шунинг учун ҳам ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғи, тумани, умуман, Ватани келажаги учун масъулликни ҳис этиш ҳар бир бўкаликни самарали ҳаракатларга ундамоқда.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
Даврон АҲМАД (суратлар),
«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

Муносабат

ЎЗИМИЗГА КЕРАКЛИГИНИ ЎРГАНАЙЛИК!

«Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».
Абдулла АВЛОНИЙ.

Биз ўта мураккаб, зиддиятларга, қарама-қаршиликларга тўла ахборот асрида яшаяпмиз. Бутун дунёни кенг қамраб олган Интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Шу тизимда ахлоқий тамойилларимизга мутлақо ёт порносайтларнинг ўрин олганлигига нима дейсиз? Интернет кафеларга мурожаат этаётганлар орасида 9-10 ёшли болалар ҳам бор. Бу уларнинг тарбиясига, фикрлашларига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ким айта олади? Албатта, биз Интернетнинг кишилар дунёқараши, билими ва савиясининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаймиз. Назаримизда, кўча-кўйда фаолият кўрсатаётган Интернет кафелар учун, қандайдир умумий назорат керакка ўхшайди. Чунки, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбушга келтирадиган ғарб маданияти, поп ва рок мусиқасига, киноларига, видео клипларига маҳлиё бўлиб қолаётган айрим йигит-қизларимиз ўзлигидан узоқлашиб бормаяптимиканлар?

Кўча-кўйда ёинки иш юзасидан турли тоифадаги, турфа феълли инсонлар билан учрашамиз. Чиройли, ширинсухан, очиқчеҳра инсонларга дуч келганимизда, беихтиёр кайфиятимиз кўтарилиб, баҳри-дилимиз очилади. Демак, инсон ўзига нисбатан атрофдагиларда яхши таассурот уйғота олиши — унинг муомала маданиятига риоя қилишидир. Шу ўринда эътиборингизни кичик бир воқеага қаратмоқчиман.

Имтиҳон пайтлари... Домла ўқув жараёнларида қорасини кўрсатмаган бир талабани имтиҳонда қатнашишига рухсат бермади. Ўзини киборларча тутган йигитча домланинг ёнига келди-да, «нима учун қўймайсиз», дея баланд оҳангда сўради. Домла ҳам уни ҳеч бир дарсда қатнашмаганлиги, ўқув талабларига кўра, уни имтиҳонга қўйиш учун рухсат бера олмаслигини айтганида, «майли, ўзингизга қаранг» деди-да, эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди. Домла ўнғайсиз бир ҳолга тушгандек бўлди-ю, имтиҳонни давом эттирди. Шунда яна эшик очилиб, бояги йигитча кўринди, ҳатто рухсат ҳам сўрамасдан: «Домла, менга фамилиянгизни айтиб юборинг», деди.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ҳолат инсонийликнинг, одоб-ахлоқ белгиларининг қайси бир мезонига тўғри келади? Домланинг кимлиги эркатойни қўллаб-қувватлагувчи раҳнамоларига керак бўлгани аниқ ҳолат. Лекин виждонан олиб қараганда, айрим ота-оналар фарзандларини мана шундай «тоғ»ларга суяниб иш кўришликка ўргатиб қўймоқдалар. Таниш-билиш билан енгил-елпи иш битиришлар инсонни ҳаётни теранроқ англай олмасликка, иродасизликка, қийинчиликлар олдида тез таслим бўлишга олиб келмайдими? Оилавий муҳит кишининг баркамолликка етишишида жуда катта аҳамият касб этади.

Интернетда мулоқот қилиш пайтида турли хил бемаъни фикрлар, ҳақоратли, куракда турмайдиган сўзлар узатаётган ёшларни кўриб, замонавий ахборот технологиясига шунчаки бир вақт ўтказиш воситаси сифатида қараётганликларидан ачинасан, киши.

Қўл телефонидан ҳам кишининг асабига теккудай бўлиб, дарс пайтларида фойдаланаётган талабалар, афсуски, йўқ эмас. Уяли телефоннинг борлиги яхши. Узоғингизни яқин, оғирингизни енгил қилади. Лекин бу ўз-ўзини кўз-кўзлаш воситаси эмас. Жамоат жойларида уяли телефонлардан фойдаланишнинг ҳам меъёр доирасини белгилаб олишимиз даркорга ўхшайди.

Ҳозирги замонавий ахборот технологияси маҳсулидан трансмиллий жиноятчорона гуруҳлар, террористлар, ақидапарастлар ҳам бемалол фойдаланаётганликларини унутмаслик керак. Чунки, баъзи онги саёз, енгил-елпи хоюҳаваскорларга тез берилувчан ёшлар бу йўлларга осонгина кириб кетишлари мумкин.

Биз замонавий ахборот технологияси, яъни Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ахборот асри, маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган олис, яқин манбалардан тарқаладиган турли маънодаги мафкуравий кучларнинг таъсири доимий равишда сезилиб турган» даврда яшар эканмиз, аввало ёшлар онги саёз, эҳтиросларга тез берилувчан бўлмаслиги учун, уларни ташқи таъсир хуружларидан ҳимоя этадиган мустаҳкам иммунитетни шакллантиришимиз зарур. Ёшларимизни умуммиллий қадриятларни ҳурматлашга, халқимизнинг неча асрлик маънавий-маърифий мероси, урф-одат, анъаналарини тарғиб этишга ундамоғимиз жоиз.

Албатта, инсоният эришган ахборот технологияси ютуқларини инкор этиш фикридан йироқмиз. Биз жадал ривожланишга хизмат қиладиган мазкур тармоқ билан ҳали кўп имкониятларга эришамиз. Ахборот технологияси соҳасида Ўзбекистонни халқаро миқёсга олиб чиқадиган, эркин ва мустақил фикр юрита оладиган, билимли ва доно ёшларимиз жуда ҳам кўплаб топилади.

Фақатгина ҳозирги мураккаб даврда ёшлар онгини бўлмағур фикрлардан, ғарбга томон қилинган тақлидлардан сақлаб қолсак, эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишида чинакам фаоллик қилган бўламиз.

Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВА,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази мутахассиси.

Фойдали маслаҳатлар

Қовурилган пиёз новвотранг бўлиши ва куйиб кетмаслиги учун қовуришдан олдин уни унга булаб олинг.

* * *

Пиёзни тўғрашдан олдин пичоққа туз сепинг, шунда унинг нохуш ҳиди бўлмайди.

* * *

Агар тўғралган пиёз туз сепилган идишга солинса, яхши сақланади.

* * *

Пиёз тўғраётганда кўздан ёш оқмаслиги учун пичоқ учига юмшоқ қора нон бўлагини қўйинг.

* * *

Агар ёғга шакар қўшилса, пиёз яхшироқ қизаради.

* * *

Пиёзни совуқ урган бўлса, уни совуқ сувга солинг.

* * *

Иссиқ ҳолида эмас, балки совутилган нонни тўғраш жуда осон кечади.

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2005 йилда 417-05-гуруҳ талабаси Расулев Жасур Султонмуродович номига берилган 45Т388 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сергели туманидаги хусусий тадбиркор «Камилова Матлуба Ҳайдаралиевна» номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Оққўрғон туманидаги 23-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Миркамалова Шаҳло Миршароповна номига берилган АУ 282828 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек туманидаги «OZODA-ZULFIYA» МЧЖ (ОКОНХ 71300)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, 2 ой давомида ТТЗ-4, 4-уй манзили ёки 127-28-29 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ДП «EURASIA INCORPORATED» Чиланзарского района г. Ташкента (ОКПО 19065388)

ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: 79-47-70.

Шундан кейин

ҲОЗИРЧА ЭНГ ЙИРИК

Япониялик астрономлар коинотдаги энг йирик тузилмани топдилар. Унга Lyman alpha деб ном берилди.

Объект Ер куррасидан 12 миллиард ёруғлик йили масофасидаги олисликда жойлашган. У эгаллаган ҳудуд эса, 200 миллион ёруғлик йилига тенг. Топилма салобатини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

СИРЛИ САҒАНА СОҲИБАСИ

Бир йиллик қазилма ишларидан сўнг, хитойлик археологлар мамлакатнинг илк ҳукмдори Цинь Шихуанда мақбарасидан 30 километр нарида жойлашган сағананинг аниқ ёши ва кимга тегишли эканлигини билиб олдилар.

Сағанага тупроқдан ясалган аскарлар армияси билан машҳур илк императорнинг бувиси, она қиролича Ся дафн этилган экан. Астойдил ишга киришган тадқиқотчилар учун асрлар чанги остида яширинган сирлар ҳам чўт бўлмай қолди.

ҲОЖАТБАРОР ҲУЖАЙРАЛАР

Вужуднинг муҳофаза тизими таркибига кирувчи семиз ҳужайралар илонлар ва ҳашаротлар заҳрини парчалаш хусусиятига эга экан. Сичқонларда тадқиқот олиб борган Стэнфорд университети олимлари шундай фикрга келишди. Зараркунандалар билан ишловчилар учун бу кашфиёт нима бериши ҳозирча номаълум.

ҚИЗ КЕРАКМИ Ё ЎҒИЛ?

Лондонлик олимларнинг аниқлашича, гўзал ва хушсурат ота-оналардан кўпинча қизлар туғиларкан.

Шу билан бирга, ҳусну жамолда йўқ «доно»ларнинг ўғил кўриш имконияти кўпроқ экан. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, гўзал аёллар ва ақлли эркакларнинг ҳаётга тез мослашувининг бош омили ҳам шу. Зеро, бу эволюция қонуни эмиш.

ЎҒРИНИНГ ИЗЛАРИ ЎЧГАН

Санкт-Петербург Эрмитажининг Рус бўлимида ўтказилган режали тафтиш чоғида икки юздан зиёд заргарлик буюмлари йўқолгани маълум бўлди.

Махсус бўлимда рус заргарлик санъати намуналари, асосан эмал буюмлари сақланарди. Эрмитаж раҳбарияти экспонатлар қайси даврда ўғирланганини аниқлашга уринаяпти. Шаҳар ички ишлар бошқармаси вакиллари бу жиноятда бирор хусусий коллекционернинг қўли борлигини тахмин қилишаяпти. Бевосита ижрочи сифатида эса, музейнинг шу бўлимида бир ой муқаддам амалиётда бўлган институт талабалари ва музей ходимларидан гумон бор.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси таҳририят ходими Еркебой Ботировга падари бузруквори

Ғуломқодир отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қилмиш-қидирмиш

ЎЙИНДАН ЎҚ ЧИҚДИ

Чирчиқнинг Алишер Навоий кўчасида жойлашган черков девори тагида аёл кишининг жасади ётганлиги тўғрисида шаҳар ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига хабар тушди.

Воқеа жойига «Леди» лақабли хизмат ити билан етиб келган ички ишлар идоралари ходимлари жасад шахсини тезда аниқлашди. У 1937 йилда туғилган Ғалина Шарипова бўлиб чиқди. Аёл ўткир тиғдан олинган жароҳат туфайли вафот этган эди. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар жараёнида жиноятни яшаш ва ишлаш жойининг тайини бўлмаган Г. Ефрем содир этганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, қуйичирчиқлик Н. Саидаҳмат ва Р. Шамиллар Ўртачирчиқ тумани Ким Пен Хва фермерлар уюшмасида яшовчи танишлари — хусусий меҳнат тури билан шуғулланувчи И. Мусақулнинг уйига меҳмонга келишди. Меҳмондорчилик авжи қизиган пайтда орадан гап қочиб, жанжал чиқди. Муштига эрк берган Н. Саидаҳмат маҳалладоши Р. Шамилни дўппослай кетди. Тан жароҳати оғир бўлса-да, Р. Шамил истиҳола туфайлими негадир касалхонага мурожаат қилмади. Натижада, у ички аъзоларидан қон кетиши оқибатида ўз уйида вафот этди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ДЎСТ ҚЎЛИДАГИ ПИЧОҚ

Чинозлик А. Жўра Эски Тошкент қўрғонида яшовчи таниши А. Ваҳоб билан гап талашиб қолди. Сиркаси сув кўтармаган бу йигит пичоқ билан дўстининг қорин қисмига уриб, оғир тан жароҳати етказди. Жабрланувчи касалхонага ётқизилди. Зўравон эса, энди терговчи саволларига жавоб бераяпти.

ЗАҲРИҚОТИЛ

Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари олиб борган «Қорадори — 2006» тадбири давомида Китве кўчасида яшовчи А. Александр гумонланиб, текширилди. Унинг ёнида кўкимтир ўткир ҳидли нарса борлиги маълум бўлди. У экспертизадан ўтказилганида, оғирлиги 2 килограмму 450 грамм марихуана эканлиги аниқланди.

Марихуана ишқибозининг хатти-ҳаракатларига тергов жараёнида аниқлик киритилади.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 3483. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5